

# **Мавзу . Ер ресурслари, ерни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш**

## **Режа:**

1. Ер ресурсларидан фойдаланиш ва унинг ҳолати.
2. Ер деградацияси. Ер шўрланиши. Ер эрозияси.
3. Давлат ер кадастрини ташкил этиш ва бошқариш.
4. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш давлат назорати.

## Тавсия этиладиган адабиётлар:

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T., 2018.

“2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasi”. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli farmoni. 2017 yil.

O‘zbekiston Respublikasi “Davlat Er kadastri” to‘g‘risidagi qonun. – T.: Adolat, 1998.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. 2019

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. 2019

O‘zbekiston Respublikasi Er resurslarining holati to‘g‘risida Milliy hisobot. 2018.

Jumaev T. Ekologiya iqtisodiyoti: nazariya va amaliyot. Monografiya. – T., 2014.

Jumayev T., Juraev T.I., Yadgarov A.A., Ismailova G.T. Ekologiya. O‘quv qo‘llanma. – T.: Iqtisodiyot, 2018-y.

***“Ер ўлкамизнинг энг асосий бойлиги.***

***У едиради, ичиради, яшаш учун шарт-  
шароитларни яратиб беради, шу сабабли,  
республиканинг келажаги кўп жиҳатдан ердан  
фойдаланиш муносабатларининг қандай  
ташқил этилишига боғлиқдир”.***

Ҳозирги вақтда глобал экологик инқироз таҳдидлари кучайиб бораётган бир вақтда ерни муҳофаза қилиш дунё миқёсидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Инсоннинг ер ва тупроққа фаол таъсир кўрсатиши натижасида, унинг хосса-хусусиятларининг ўзгариши, унумдорлигининг ошиши ёки пасайиши, шўрланиши, эрозияланиши, дегумификацияси каби жараёнларнинг юзага келиши ер ресурларини муҳофаза қилишда аввалгидан ҳам эътиборли бўлишликни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш кўп жиҳатдан унинг муҳим хусусиятларини қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга боғлиқ.

# Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Тошкент 2019

## **2-модда. Ер тўғрисидаги қонунҳужжатларининг асосий вазифалари**

Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 44,498 минг га, шундан 25,400 минг га қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар.

Шундан: 21,1 млн.га –яйловлар:

-18,1 млн.га- чўл зонасидаги яйловлар;

3 млн.га тоғ олди яйловлари;

1 млн.га тоғ ва юқори тоғ минтақавий яйловлар.

Суғориладиган ерлар майдони 4,3 млн.га.

Шундан: 3,2 млн.га ерларда пахта, буғдой, сабзавот, полиз экинлари экилади.

*13-боб. Ўзбекистон Республикаси тупроқларидан оқилона  
фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга қарата ишлаб чиқилган  
меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар*

## *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55 – моддаси:*

*Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик  
ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа  
табiiй захиралар умуммиллий  
бойликдир, улардан оқилона  
фойдаланиш зарур ва улар давлат  
муҳофазасидадир.*

Маълумки, аҳолини асосий ҳаёт манбаи ҳисобланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш айнан қишлоқ хўжалигига бориб тақалади. Холбуки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 95 % тупроқдан олинади.

Мамлакатимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини оширишга қаратилган бир қатор қонунлар, фармонлар ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинган.

Давлатимиз томонидан “Ер кодекси”, “Давлат Ер кадастри”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар, “Ер мониторинги” тўғрисидаги Низом ҳамда “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигида қатор ислохотларни амалга оширишда тўла ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.



Табиий ресурслар ичида **ер** алоҳида ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, ундан илмий ва амалий асосланган ҳолда тўғри фойдаланишни ташкил этиш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни алоҳида муҳофазасини таъминлаш лозимлигини тақозо этади.

Шундай экан, тупроқнинг унумдорлигини ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш кўп жиҳатлардан унга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлишга, уни яхшилашга қаратилган тадбирлар тизимига боғлиқдир. Бу тизим тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш учун агрохилма-хилликни, биосферани сақлаб туриш учун зарурдир.

Бу борада академик А.П.Виноградовнинг: “Бугунги кунда биосферага тааллуқли нарсаларнинг ҳаммаси энг аввало Ернинг тупроқ қатламига тааллуқлидир”, - деб таъкидлагани тасодифий эмас. Дарҳақиқат, одамларнинг тақдири кўп жиҳатдан ер ва тупроқ тақдирига боғлиқдир.

Хусусан, **22 апрель куни – Халқаро Ер куни** дея эътироф этилгани инсонларнинг ер ресурсларига бўлган муносабатини етакчи ўринда эканлигидан далолат беради.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ – ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШИ



- НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Навоий ш
- 1 Кониқмах
  - 2 Набхор
  - 3 Кармана
  - 4 Нурота
  - 5 Томди
  - 6 Учқудуқ
  - 7 Янгиработ ш
  - 8 Қизилтепа ш

- НАМАНГАН ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Наманган ш
- 1 Косонсой
  - 2 Мингбулоқ
  - 3 Наманган
  - 4 Норин
  - 5 Тўрақўрғон
  - 7 Учкўрғон
  - 8 Чортоқ
  - 10 Чўст
  - 11 Янгиқўрғон

- САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Самарқанд ш
- 1 Булуғтур
  - 2 Жомбой
  - 3 Иштихон
  - 4 Каттақўрғон
  - 5 Нарвай
  - 6 Нуробод
  - 7 Ойириш
  - 8 Пайарик
  - 9 Пастдарғом
  - 10 Пахтабод ш
  - 11 Оқолтин
  - 12 Тошлоқ
  - 13 Уруғ
  - 14 Қўйчаб

- СИРДАРИО ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Гулистон ш
- 1 Бойеут
  - 2 Гулистон
  - 3 Миравобод
  - 4 Оқолтин
  - 5 Сайхунбод
  - 6 Янгибозор
  - 7 Сардоба
  - 8 Сирдарё
  - 9 Ховос

- СУРХОНДАРИО ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Термиз ш
- 1 Ангор
  - 2 Бандикон
  - 3 Бойсон
  - 4 Дана
  - 5 Жарқўрғон
  - 6 Мурабод
  - 7 Оқолтин
  - 8 Саросиё
  - 9 Термиз
  - 10 Укун
  - 11 Шеробод
  - 12 Шўрчи
  - 13 Сариқ
  - 14 Қўмқўрғон

- ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Тошкент ш
- 1 Бекobod
  - 2 Бўка
  - 3 Ёзбекистон ш
  - 4 Зангиота
  - 5 Оққўрғон
  - 6 Оқангирон ш
  - 7 Паркент ш
  - 8 Пискент ш
  - 9 Тошмент
  - 10 Чиноз
  - 11 Оқорчи Чирчиқ
  - 12 Янгиёр
  - 13 Урта Чирчиқ
  - 14 Қўрай
  - 15 Қўй Чирчиқ

- ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Фарғона ш
- 1 Бағдал
  - 2 Бешарик
  - 3 Бувайда
  - 4 Данғара
  - 5 Ёзбон ш
  - 6 Олтиарик
  - 7 Оқулубов
  - 8 Риштон
  - 9 Сўх
  - 10 Тошлоқ
  - 11 Учқўрғон ш
  - 12 Фарғона
  - 13 Фўвара
  - 14 Ўзбекистон ш
  - 15 Кува
  - 16 Кува ш, шаҳар олди билан

- ҚАШҚАДАРИО ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Қарши ш
- 1 Дехқонobod
  - 2 Муғлон
  - 3 Кипоё
  - 4 Косон ш
  - 5 Миршикор
  - 6 Муборак ш
  - 7 Нишон
  - 8 Чирчиқ
  - 9 Укун
  - 10 Яқобод
  - 11 Қаманиш
  - 12 Қизилқир
  - 13 Фузор

- ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Урганч ш
- 1 Бойот
  - 2 Гуран
  - 3 Урганч
  - 4 Хива ш
  - 5 Хонқа
  - 6 Шовот
  - 7 Янгиарик
  - 8 Янгибозор ш
  - 9 Қўшқўрғон ш
  - 10 Халорасп ш
  - 11 Питнак ш, шаҳар олди билан

- ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
Пойтахти - Нукус ш
- 1 Амударё
  - 2 Бериуш
  - 3 Чинбой
  - 4 Кегайли
  - 5 Мўйнок
  - 6 Нукус
  - 7 Тахтақўрғон
  - 8 Тўрқўй ш
  - 9 Хўжайли
  - 10 Қўнғирот
  - 11 Шумай
  - 12 Эликқалъа
  - 13 Қаниқул
  - 14 Қоразақ

- АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Андижон ш
- 1 Андикон
  - 2 Асака
  - 3 Балкичи
  - 4 Булокбози
  - 5 Бўз
  - 6 Жалолқудуқ
  - 7 Иброскан
  - 8 Мархамат
  - 9 Оптиқул
  - 10 Пахтабод ш
  - 11 Улугнор
  - 12 Хўжабод
  - 13 Шахристон
  - 14 Қўрғонтепа

- БУХОРО ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Бухоро ш
- 1 Бухоро
  - 2 Вобёнт
  - 3 Жоңдор
  - 4 Когон
  - 5 Олот
  - 6 Янгибозор
  - 7 Ромитан
  - 8 Шодифрон
  - 9 Корай ш
  - 10 Қоровулбозор
  - 11 Қўздуюв ш

- ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**  
Маркази - Жиззах ш
- 1 Арнасов
  - 2 Ўзмет
  - 3 Дўстлик ш
  - 4 Жиззах
  - 5 Зафарбод
  - 6 Зафарбод
  - 7 Зомин
  - 8 Гагарин
  - 9 Пахтакор
  - 10 Фориш
  - 11 Янгибод
  - 12 Фалларол

**ЧЕГАРАЛАР**

- давлатлар
- Қорақалпоғистон Республикаси
- вилоятлар
- туманлар

**МАРКАЗЛАР**

- Ўзбекистон Республикаси пойтахти
- Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоятлар маркази
- Туманлар маркази

Қўллар ва сув омборлари

Дом оқар дарёлар

Каналлар, коллектор-зовурлар


Темир йўллар

Автомобил йўллари


## *4-модда. Ўзбекистон ер ресурслари ва ер тоифалари*

т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий майдони		Жумладан суғориладиган ерлар	
		жами	% ҳисобида	Жами	% ҳисобида
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20473,5	46,10	4212,2	<b>9,48</b>
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	216,3	0,50	49,4	<b>0,11</b>
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	911,0	2,05	11,8	<b>0,02</b>
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	75,9	0,17	0,9	<b>0,002</b>
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	4,7	0,01		
6	Ўрмон фонди ерлари	9635,9	21,69	31,3	<b>0,07</b>
7	Сув фонди ерлари	830,3	1,86	4,6	<b>0,01</b>
8	Захира ерлар	12262,7	27,62	2,1	<b>0,004</b>
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>44410,3</b>	<b>100,0</b>	<b>4312,4</b>	<b>9,71</b>

# 1- расм. Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши



## 2- расм. Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши



# *Тупроқ деградацияси турлари ва омиллари*

*Деградация* сўзи поляк тилидан олинган бўлиб, (*Degradaya*-лотин тилида эса *degradation*) “секин-асталик билан камайиши” ва “пастга кетиши” деган маънони англатади.

**Тупроқ деградацияси** – бу жараёнлар йиғиндисидир бўлиб, улар тупроқларнинг функциясини ўзгаришига, хоссларининг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ёмонлашишига ва унумдорликнинг пасайишига олиб келади, яъни **табiiй** ва **антропоген** омиллар таъсирида элементларнинг экологик тизимда тупроқларнинг турғун хоссларининг бузилиши, хўжалик нуқтаи назардан баҳосининг тушиши ва самарадорликнинг пасайишидир.

## ***Тупроқ деградацияси куйидаги турларга бўлинади:***

- Физик ва механик деградация – бу тупроқ гранулометрик таркибининг ўзгариши билан тупроқ материалларининг ёмонлашиш жараёнини кузатилиши, тупроқ қатламларининг назоратсиз қолиши, уларнинг зичлашиши, ҳаво ва сув режимларининг бузилишидир.
- Кимёвий ва физикавий деградация – бу тупроқ сингдириш сиғимидаги жараёнлар, жумладан кислоталик-ишқорийлик хоссларини, оксидланиш-қайтарилиш потенциалини, макро- ва микроэлементларини ҳамда ўсимликлар учун зарур бўлган ҳаёт элементларининг салбий томонга ўзгаришидир.
- Биологик ва биокимёвий деградация – бу тупроқ органик қисмининг ўзгариши ва сифатининг ёмонлашиши, тупроқ организмларини сифат ва миқдор таркибининг салбий томонга ўзгаришидир.

# Экотизимлар ва улар реакцияларининг асосий антропоген таъсири турлари



*Деградация жараёнлари оқибатида:*

- ✓ тупроқнинг юқори унумли қатлами ва ундаги озиқа моддалари йўқолади
- ✓ сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида шўрланиш жараёни юзага келади
- ✓ тупроқнинг физик хоссалари ўзгаради
- ✓ тупроқдаги тирик организмлари дунёсининг биомассаси ва биохилма-хиллиги камаяди
- ✓ захарли кимёвий препаратлар тўпланади

## *Тупроқ деградациясининг намоён бўлиши*





## Дунё бўйича деградацияга учраган ерларни умумий майдони, млн/га.

Кўрсаткич	Шимолий Америка	Марказий Америка	Жанубий Америка	Европа	Австралия	Осиё	Африка	Дунё бўйича
Умумий ер майдони, млн. га	1885	306	1768	950	882	4256	2966	<b>13018</b>
Антропоген омиллар таъсирида деградацияга учраган ерлар, млн. га	95	63	243	219	103	747	494	<b>1964</b>
Умумий майдонга нисбатан - %	5,0	20,0	13,7	23,1	11,7	17,6	16,7	<b>15,1</b>
Деградация турлари бўйича (деградация учраган майдонлар, фоизда):								
- сув эрозияси	63	74,0	50,6	52,3	81,0	59,0	46,0	55,6
- шамол эрозияси	36,0	7,0	17,2	19,3	16,0	30,0	38,0	27,9

## *Тупроқларнинг механик бузилиши*

*Тупроқларнинг механик бузилиши – бу ер ости қазилма бойликларни қазиб олишида, ўрмонларни кесиши, ёғочларни ташиши ва ўрмонларни ёнишида, газ ва нефт қувурларини ётқизишида, қишлоқ хўжалик фаолияти даврида, чорва молларини боқишида ва ерларни шудгор қилиши вақтида содир бўлади.*




## *Тупроқларнинг физик деградацияси*

*Тупроқ физик хоссаларининг салбий томонга (ёмонлашиши) ўзгариши, биринчи навбатда структурасининг ва қатламларининг бузилиши натижасида сув, ҳаво ва озиқа элементлар режимининг ёмонлашиши тупроқнинг физик деградацияси деб тушунилади.*



**Оғир техникалар таъсирида тупроқнинг зичланиши**

# Тупроқнинг кимёвий деградацияси



Биосфера қисмларини оғир металллар билан ифлосланиш йўллари ва биологик занжир орқали айланиш чизмаси

# Турли саноат корхоналари фаолияти мобайнида айрим оғир металлларнинг чиқарилиши

Ифлосланиш манбалари	Ишлаб чиқариш тури	Концентрация коэффициенти (Кс)	
		10 дан ортиқ	2-10 оралиғида
<b>Рангли металлургия</b>	Рангли металл концентрантларини олиш	Қўрғошин, рух, кумуш, мис	Қалай, висмут, мышьяк, кадмий, сурьма, симоб, селен
	Рангли металлларни иккиламчи қайта ишлаш	Қўрғошин, рух, қалай, мис	Симоб
	Қаттиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш	Вольфрам	Молибден
	Титан ишлаб чиқариш	Кумуш, рух, қўрғошин, бор, мис	Титан, марганец, молибден, қалай, ванадий
<b>Қора металлургия</b>	Бирламчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш	Кобальт, молибден, висмут, вольфрам, рух	Қўрғошин, кадмий, хром, рух
	Темир рудаларини ишлаш	Қўрғошин, кумуш, мышьяк	Рух, вольфрам, кобальт, ванадий
<b>Машинасозлик ва металл қайта ишлаш</b>	Металларни термик қайта ишлаш	Қўрғошин, рух	Никель, хром, симоб, қалай, мис
	Қўрғошинли аккумуляторлар ишлаб чиқариш	Қўрғошин, никель, кадмий	Сурма
	Электрокимё ва электротехника приборларини ишлаб чиқариш	—	Қўрғошин, сурма, рух, висмут
	Суперфосфат ишлаб чиқариш	Стронций, рух, фтор	Мис, хром, мышьяк, иттрий
	Пластмасса ишлаб чиқариш	—	Мис, рух, кумуш
<b>Қурилиш материаллари саноати</b>	Цемент ишлаб чиқариш	—	Симоб, стронций, рух
	Бетон маҳсулотлари ишлаб		

Айрим оғир металлларнинг тирик организмларга салбий таъсири натижасида келиб чиқадиган касаллик турлари:

**As (мишяк)**— ўпка саратони, тери касалликлари, гематологик таъсир, анемия;

**Be (бирелли)**— дерматит, яралар, шиллик қават зарарланиши;

**Cd (кадмий)**— хроник ва ўткир ўпка касалликлари, буйрак, саратон касалликлари;


**Cr (хром)**— ўпка, ошқозон ичак касалликлари, дерматит;

**Pb (қурғошин)**— қон, буйрак, жигар, асаб касалликлари;

**Ni (никель)**— ўпка астмаси, мажруғ туғилиш, буйрак, ўпка саратони;

**Hg (симоб)**— асаб, буйрак касалликларини келтириб чиқаради.

# Биосферанинг радиоактив ифлосланиш омиллари ва манбалари



# Нефть билан ифлосланган тупроқ қоплами ва атроф-муҳит ҳолатининг кўриниши





## *Тупроқ эрозияси*

*Тупроқ эрозияси* — энг кенг тарқалган деградация тури ҳисобланади. У улкан иқтисодий ва экологик зарар еткази, чунки қишлоқ хўжалигининг асосий воситаси ва биосферанинг ўрнини босиб бўлмайдиган компоненти сифатида тупроқ йўқ бўлишига олиб келиши мумкин. Инсоннинг нотўғри ташкил этилган турли хил фаолияти таъсири остида тупроқ қатлами емирилади. Эрозия - тупроққа мана шундай таъсир ўтказилишининг ғоят кенг тарқалган ва ҳалокатли оқибатидир.



## *Тупроқ шўрланиши*

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича вазифаларни бажариш учун тупроқнинг шўрланишига ва ботқоқланишига қарши кураш тадбирларини амалга оширишнинг аҳамияти каттадир. Шўрланиш ва шўрҳокланиш жараёнларнинг олдини олишда аввало шу ҳодисаларни келтириб чиқарувчи қуйидаги асосий сабабларни бартараф қилиш керак:

- сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик (чунки бу сувлар сизот сувларига қўшилиб уларнинг сатҳини кўтарилишига сабаб бўлади);
- тупроқ намлигининг буғланишини ҳар тарафлама камайтириш;
- юза жойлашган шўр ёки чучук сизот сувлари сатҳини пасайтириш.



# Чўлланиш жараёни ва тупроқ деградацияси

Чўлланиш жараёни – табиий жараёнлар ва инсон фаолияти натижасида ерларнинг биологик маҳсулдорлигининг пасайиши ёки табиий экотизимларнинг деградацияси тушунилади. Чўлланиш натижасида экотизимларнинг ўз-ўзини тиклаш қобилияти бутунлай издан чиқиши мумкин.

Чўлланиш жараёнининг қуйидаги типлари мавжуд:

- тупроқ шўрланиши – бирламчи ва иккиламчи шўрланиш;
- ўрмон ва тўқайзорларнинг йўқ қилиниши;
- яйловларни деградацияга учраши;
- сув ҳавзалари сатҳининг камайиши.



**Кадастр (франсузча-реестр, рўйхат)** - объект ёки ҳодиса тўғрисида жамлама сифатида ва миқдорий маълумотларнинг тизимли мажмуаси ҳисобланади, кўп ҳолларда улар иқтисодий баҳолашни назарда тутаяди.

**Кадастрнинг турлари кўп.** Ер кадастри қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: а) ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни рўйхатдан ўтказиш; б) ерни миқдорий ҳисоби; в) ернинг сифати; г) тупроқ бонитировкаси; д) ерларни иқтисодий баҳолаш.

**Тупроқ бонитировкаси (лотин тилида - асл, сифатли)** - тупроқнинг унумдорлиги бўйича нисбий баҳолашдан иборат. Қиёсий баҳолаш тупроқларни мажуд объектив хусусиятлари ва белгилари асосида амалга ошириш, булар қишлоқ хўжалик экинларининг ўсишида энг муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бонитировкада миқдорий кўрсаткичлар (баллар) қўлланилади. Улар бир тупроқни иккинчи тупроқдан қанчалик яхши ёки ёмон эканлигини аниқлашга имкон беради.

- Ердан фойдаланиш, уни асраш, муҳофазалаш соҳасидаги экологик хавфсизликни кучайтириш ва ўтмиш давр асоратларини бартараф этишнинг асосий йуналишлари қўйидагилардан иборат;
- 1) Замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
- 2) Заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш.
- 3) Экин зараркунандаларига қарши курашишда биологик усуллардан кенг фойдаланиш.
- 4) Суғориш сувидан меъёридан ортиқча фойдаланиш оқибатида иккиламчи шўрланишининг авж олишига қарши кураш тадбирларини амалга ошириш.
- 5) Тупроқлар эрозиясига қарши курашиш.
- 6) Ердан фойдаланишни оқилона тежаб тергаб фойдаланишнинг интенсив йўлига ўтиш.
- 7) Ердан фойдаланишда иқтисодий рағбатлантириш, ифлослантирганлик учун солинадиган махсус солиқлардан кенг фойдаланиш.

# Yerlarning sifati bo'yicha ball boniteti balli

<b>Sinflar</b>	<b>Sifati</b>	<b>Bonitet balli</b>
<b>X</b>	<b>Eng yaxshi</b>	<b>91-100</b>
<b>IX</b>	<b>Eng yaxshi</b>	<b>81-90</b>
<b>VIII</b>	<b>Yaxshi</b>	<b>71-80</b>
<b>VII</b>	<b>Yaxshi</b>	<b>61-70</b>
<b>VI</b>	<b>O'rtacha</b>	<b>51-60</b>
<b>V</b>	<b>O'rtacha</b>	<b>41-50</b>
<b>IV</b>	<b>O'rtachadan past</b>	<b>31-40</b>
<b>III</b>	<b>O'rtachadan past</b>	<b>21-30</b>
<b>II</b>	<b>Yomon yerlar</b>	<b>11-20</b>
<b>I</b>	<b>Yomon yerlar</b>	<b>0-10</b>

## Ball bonitetlari bo'yicha asosiy qishloq xo'jaligi ekinlarining kadastrli hisoblangan hosildorligi, st/ga

Ball bonitetlari	Paxta	Don	Beda	Don uchun makkajo'xori	1 yillik o'tlar	Ildiz mevalar
10	4	6	20	7,5	30	90
20	8	12	40	15	60	180
30	12	18	60	22,5	90	270
40	16	24	80	30	120	360
50	20	30	100	37,5	150	450
60	24	36	120	45	180	540
70	28	42	140	52,5	210	630
80	32	48	160	60	240	720
90	36	54	180	67,5	270	810
100	40	60	200	75	300	900
1 ballning bahosi	0,4	0,6	2,0	0,75	3,0	9,0

## Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик

	Ер қонунчилигининг бузилиш турлари	Жавобгарлик
1.	Ноқонуний битимлар: олди-сотди, совға қилиш, гаров, сохта тадбиркорлик, ўзбошимчалик билан айрибошлаш	ЖК-175, 179, 197. МЖК-60. ФК-112.
2.	Ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик	МЖК-105-106 ЖК-197, 270 ЕК-90, ТМҚҚ-47-48, 52.
3.	Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш	ЖК-204, 229 <sup>1</sup> . ФК-985. ЕК-90, 91. ТМҚҚ-47.
4.	Ерларни яроқсиз ҳолатга келтириш, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқова сувлари билан ифлослантириш	МЖК-77, 89, 91, 104. ЖК-193, 197, 201. ФК-985, ТМҚҚ-47, 51. МК-181
5.	Ер ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи объектларни жойлаштириш, қуриш, лойиҳалаштириш ва фойдаланишга топшириш	МЖК-96. ТМҚҚ-47. ЖК-193.
6.	Экологик талабларни бажармаслик	МЖК-91. МК-181. ЖК-172, 197. ТМҚҚ-47-52.
7.	Вақтинча эгаллаб турилган ерларни қайтариш муддатини бузиш ёки ерларни белгиланган мақсадларда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга оид мажбуриятларни бажармаслик	МЖК-67. ЖК-197. ТМҚҚ-47-51. ФК-985.
8.	Ўзгаларга қарашли марза белгиларини йўқ қилиш	МЖК-69. ЖК-197. ЕК-90. ФК-985.
9.	Давлат ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатиш	МЖК-68. ЖК-209. ТМҚҚ-47.
10.	Ўзбошимчалик билан пичан ўриш ва чорва молларини боқиш	МЖК-82. ЖК-197. ТМҚҚ-47. ФК-985.
11.	Ёввойи ўтлар ва зарарқунандаларга қарши кураш чораларини кўрсатмаслик	МЖК-107. ЖК-199.
12.	Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омилларга йўл бериш, ерларнинг ҳолатини ёмонлаштириш	МЖК-65, 95. ЖК-195, 197. МК-181. ФК-985.
13.	Ер участкаларини бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддатлари ва тартибларини бузиш	МЖК-58, 66. ЖК-205, 208.



## **XII БЎЛИМ. ЕР СОЛИҒИ**

### **49-боб. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи**

#### **278-модда. Умумий қоидалар**

Ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади.

Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

## 282-модда. Имтиёзлар

Ер солиғи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

- 1) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари — ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;
- 2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

4) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан.

Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

## Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради:

- 1) боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги (кириш йўллари, суғориш ариқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар), жамоа гаражларининг ерлари;
- 2) давлат қўриқхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма қўриқхоналарнинг (овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма қўриқхоналар бундан мустасно), табиий питомникларнинг, давлат биосфера резерватларининг, миллий боғларнинг ерлари, юқорида кўрсатилган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг хўжалик фаолияти юритилаётган ерлари бундан мустасно;
- 3) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — тегишли муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари; 4) рекреация аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ерлар;
- 5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектлари, хотира боғлари эгаллаган ерлар.
- 6) сув фонди ерлари. Сув фонди ерлари жумласига сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга белгиланган тартибда берилган сув ҳавзалари ҳамда бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ажратилган минтақа ерлари киради;
- 7) электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;
- 8) умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон каналлизациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмаг кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури кутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

**50-боб. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи**  
**Жисмоний шахсларнинг ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади.**

**Солиқ солиш объекти**  
С.К. 288-моддалари

Деҳқон хўжалиги юритиш учун берилган ер участкалари

Мерос бўйича эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари

Якка тартибда уй-жой қурилиши учун берилган ер участкалари

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва поллизчилиги учун берилган ер участкалари

Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга берилган ер участкалари

Хизмат юзасидан берилган чек ерлар

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига биноан ер солиғи тўлашдан айрим тоифадаги жисмоний шахслар озод қилинади.

СОЛИҚ  
ИМТИЁЗЛАРИ

С.К. 282-  
модда

Ййлов чорвачилигининг чўпонлари, ййилқйбоқарлари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари

“Ўзбекистон Қаҳрамони”, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар

1941–1945 ййиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланадиган доирадаги уларга тенглаштирилган шахслар

I ва II гуруҳ ногиронлари

Ёлғиз пенсионерлар

**СОЛИҚИМТИЁЗЛАРИ**

**С.К. 282-  
модда**

Боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар

Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар

Шахсий пенсия тайинланган шахслар

Кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича – ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача

Шахслар – уларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича – ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга

